

## Назоратлар маълумотларини бошқариш

### Жорий назорат балларини бошқариш

Ихтиёрий фанлар бўйича машғулотлар олиб борилгандан сўнг, албатта ушбу фан бўйича назоратлар олинади ва натижалар таҳлил қилинади. Жорий назорат баллари талаба томонидан бажарилган топшириқларни баҳолаш йиғиндисидан ҳосил бўлади.

Фан силлабуси маълумотларини шакллантиришда фаннинг рейтингини тақсимлаш жарёнида қайси шакллар берилган бўлса, ўқитувчи фаннинг ўша тақсимланган тури бўйича назоратларни олиб боради.

Фан силлабусидаги баллар тақсимотига асосан ўқитувчи томонидан топшириқ баллари тақсимоти олиб борилиши зарур.

Фаннинг жорий назорат балларини кўриш тизимнинг **Nazoratlar / Oralik nazorat** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).

#	Semestr	Guruh	Nazorat sanasi	Fanlar	Nazorat turi	Juftlik	Auditoriya
1	6-semestr	410-18 To'	01-06-2021	O'rnatilgan tizimlar	JORIY NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A01
2	6-semestr	411-18 To'	01-06-2021	O'rnatilgan tizimlar	JORIY NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A01
3	6-semestr	412-18 To'	22-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	1. 08:30-09:50	A01
4	6-semestr	413-18 To'	22-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	1. 08:30-09:50	A01
5	6-semestr	810-18 TRo'	21-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A408
6	6-semestr	811-18 TRo'	21-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A408

5.6.1-расм.Назоратлар рўйхати

Жорий назорат натижаларини кўриш учун назоратлар рўйхатининг **Guruh** устунидан жорий назорат тури бўйича гурухни танланг. Натижада экранда қуйидагича ойна пайдо бўлади (2-расм).

№	Talabaning F.I.Sh.	Top. bali [30]	Ball [0]
1	ABDUJALILOV YUSUF HAMID O'G'LI	28 / 15	0
2	ABDUVALIYEV ODILJON NOSIRJON O'G'LI	26 / 15	0
3	AKBARALIYEV SHAXRIYOR AVAZJON O'G'LI	29 / 15	0

Ma'lumot

Fanlar	O'rnatilgan tizimlar
Nazorat turi	JORIY NAZORAT [30]
YN turi	1-QAYDNOMA
Nazorat sanasi	01-06-2021
Guruh	410-18 To'

2-расм. Фаннинг жорий назорат балини кўриш

Жорий назорат ойнасига қарайдиган бўлсак жорий назоратга 30 балл ажратилган ва ажратилган 30 баллнинг барчаси топшириққа берилган. Талабалар белгиланган муддатларда топшириқларни топширган ва баллар тўплаган. Талабаларнинг тўплаган бали (**Top.ball(30)**) устунда пайдо бўлади. Талабанинг қайси топшириқлардан неччи балл тўплаганлигини билиш учун

(**Top.ball(30)**) устунидан балл/топширик (**28/15**) сони танлаш талаб этилади. Танлангандан сўнг экранда қуйидагича ойна пайдо бўлади (3-расм).

O'rnatilgan tizimlar					
#	Topshiriq	Topshiriq turi	YN turi	Ball	Yaratilgan
1	15-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	1.6	03.06.2021 23:47:21
2	14-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	03.06.2021 23:47:02
3	13-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	1.8	31.05.2021 18:10:24
4	12-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	1.8	26.05.2021 11:34:26
5	11-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	1.8	16.05.2021 00:44:01
6	10-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	1.8	13.05.2021 02:53:36
7	9-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	12.05.2021 01:56:04
8	8-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	12.05.2021 01:55:36
9	7-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	12.05.2021 01:55:20
10	6-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	12.05.2021 01:55:07
11	5-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	12.05.2021 01:54:52
12	4-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	12.05.2021 01:54:36
13	3-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	1.5	12.05.2021 01:54:16
14	1-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	1.5	01.05.2021 22:46:02
15	2-laboratoriya	Topshiriq	1-qaydnoma	2.0	01.05.2021 22:48:43

### 3-расм. Топшириқлар балини кўриш ойнаси

Топшириқлар балини кўриш ойнасидан талаба топширган лаборатория ишларининг сони ва уларга қўйилган баллар тақсимотини кўриш мумкин.

Ўқитувчи жорий назоратга ажратилган бални масалан 30 балдан 20 балини топшириққа ва 10 балини савол-жавоб кўринишда ташкил этиш мумкин. Бундай вазиятда 20 балл талабаларнинг топшириқларига қўйилган баллар ҳисобидан йиғилади. Савол жавоб бали эса 2-расмда келтирилган **Ball** устунига 10 бал тариқасида қўлда киритилади ва **Saqlash** тугмаси танланади.

**Эслатма!** Барча балл топшириққа берилган бўлса **Ball** устунинг қиймати 0 бўлади бундай вазиятда **Ball** устунига 0 балл қўлда киритилади ва **Saqlash** тугмаси танланади. Шундан сўнг талабаларнинг балларини якуний назорат қайдномасида пайдо бўлади.

### Оралиқ назорат маълумотларини бошқариш

Оралиқ назорат балларини бошқариш жорий назорат балларини бошқариш каби амалга оширилади. Оралиқ назоратни икки хил кўринишда топшириқ ва тест кўринишда ташкил этиш мумкин. Оралиқни топшириқ

кўринишда ташкил этилганда талабаларга топшириқлар берилади. Талаба топшириққа жавоб йўллайди ўқитувчи эса топшириқларни баҳолайди. Топшириқлар баҳолангандан сўнг назорат қайдномасида қўйилган балларнинг йиғиндиси чиқади. Оралиқ назорат тест кўринишда ташкил этилса талабалар тестларга жавоб беради. Натижалар эса топшириқлар ойнаси ва оралиқ назорат қайдномасида автоматик тарзда шаклланади. Бунда натижани кўлда киритиш шарт эмас.

Фаннинг оралиқ назорат балларини кўриш тизимнинг **Nazoratlar / Oraliq nazorat** менюси орқали амалга оширилади (4-расм).

#	Semestr	Guruh	Nazorat sanasi	Fanlar	Nazorat turi	Jufltik	Auditoriya
1	6-semestr	410-18 To'	01-06-2021	O'rnatilgan tizimlar	JORIY NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A01
2	6-semestr	411-18 To'	01-06-2021	O'rnatilgan tizimlar	JORIY NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A01
3	6-semestr	412-18 To'	22-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	1. 08:30-09:50	A01
4	6-semestr	413-18 To'	22-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	1. 08:30-09:50	A01
5	6-semestr	810-18 TRo'	21-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A408
6	6-semestr	811-18 TRo'	21-05-2021	O'rnatilgan tizimlar	ORALIQ NAZORAT   1-qaydnoma	3. 11:30-12:50	A408

4-расм. Назоратлар рўйхат

**Guruh** устунидан оралиқ назорат тури бўйича гурухни танлаш орқали оралиқ назорат натижаларини кўриш ойнасига ўтинг бўлади (5-расм).

№	Talabani F.I.Sh.	Top. ball [20]	Ball [0]
1	ABDUG'AFFOROV ABDUBOSIT ABDUVAHOB O'G'LI	13 / 3	0
2	ABDULLAYEV RAHMATULLA XASAN O'G'LI	11 / 3	0
3	ABDULLAYEVA NASIBA NURILLA QIZI	13 / 3	0
4	BAXRONOV BEXRUZ XAYRIDIN O'G'LI	12 / 3	0

**Ma'lumot**

Fanlar	O'rnatilgan tizimlar
Nazorat turi	ORALIQ NAZORAT [20]
YN turi	1-QAYDNOMA
Nazorat sanasi	22-05-2021
Guruh	412-18 To'
Baholash tizimi	Kredit baholash tizimi

5-расм. Фаннинг оралиқ назорат балини кўриш

Фаннинг оралиқ назорат балини кўрадиган бўлсак оралиқ назоратга 20 балл ажратилган. Ажратилган 20 баллнинг барчаси топшириққа берилган. Талабалар белгиланган муддатларда топшириқларни топширган ва балл тўплаган. Талабаларнинг тўплаган бали (**Top.ball(20)**) устунда пайдо бўлади. Талабанинг қайси топшириқлардан неччи балл тўплаганлигини билиш учун **Top.ball(20)** устунидан балл/топшириқ (**13/3**) ни танланг. Натижада экранда талаба қайси топшириқлардан қандай баҳо олганлигини кўриш ойнаси очилади (6-расм).

#	Topshiriq	Topshiriq turi	YN turi	Ball	Yaratilgan
1	2-mustaqil_sh	Topshiriq	1-qaydnoma	4.0	04.06.2021 22:34:23
2	Oraliq nazorati	Topshiriq	1-qaydnoma	6.0	03.06.2021 21:39:49
3	МУСТАКИЛ ИШ	Topshiriq	1-qaydnoma	3.0	03.06.2021 23:25:55

### 6-расм. Топшириқлар балини кўриш ойнаси

Ўқитувчи оралиқ назоратга ажратилган бални масалан 20 балдан 10 балини топшириққа ва 10 бални савол-жавоб кўринишда ташкил этиш мумкин. Бундай вазиятда 10 балл талабаларнинг топшириқларига қўйилган баллар ҳисобидан йиғилади. Савол жавоб бали эса 5-расмда келтирилган **Ball** устунига 10 бал тариқасида қўлда киритилади ва **Saqlash** тугмаси танланади.

**Эслатма!** барча балл топшириққа берилган бўлса **Ball** устунинг қиймати 0 бўлади бундай вазиятда **Ball** устунига 0 балл қўлда киритилади ва **Saqlash** тугмаси танланади. Шундан сўнг талабаларнинг балларини якуний назорат қайдномасида пайдо бўлади.

Оралиқ назорат тест кўринишда ташкил этилган бўлса оралиқ назорат қайдномасига баллар автоматик тарзда шаклланади (7-расм).

№	Talabani F.I.Sh.	Top. bali [30]	Ball [0]
1	SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVA	24 / 1	

Ma'lumot

Fanlar	Diskret matematika
Nazorat turi	ORALIQ NAZORAT [30]
YN turi	1-QAYDNOMA
Nazorat sanasi	15-11-2021
Guruh	365-MB
Baholash tizimi	Kredit baholash tizimi

### 7-расм. Оралиқ назорат натижаси

Оралиқ назорат натижаси ойнасида талаба 30 балдан 24 балл олганини кўриш мумкин.

**Мухим!** Топшириқ баллари фаннинг силлабусидаги балл тақсимотидан ошиб кетмаслиги керак.

Оралиқ назорат натижаларини оралиқ назоратини жадвали яратилгандан сўнг кўриш ёки шакллантириш мумкин.